



History of “Dobrolyot”

Azamjon TUKHTABAEV¹

Namangan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2022

Received in revised form

25 September 2022

Accepted 20 October 2022

Available online

25 November 2022

ABSTRACT

The article is devoted to the history of creation of the first private aviation organization in the RSFSR – “Dobrolet” Society. It examines the reforms carried out by “Dobrolet” society in civil aviation system in the period from the 20s to 30s of the twentieth century on the basis of sources. It is established that during the period under review, the airline “Dobrolet” launched domestic and international flights. Information is provided on the volume of passenger and cargo transportation by “Dobrolet” air transport, directions and length of air transportation.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss10/S-pp74-77>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Keywords:

plane,
air route,
airport,
Dobrolyot,
“Ukrvozdukhput”,
“Zakavia”,
“Junkers F-13”,
local routes,
international routes.

“Добролёт” тарихи

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада РСФСРда ташкил этилган биринчи хусусий авиация ташкилоти – Добролёт (кўнгилли ҳаво флоти) жамияти тарихи ёритилган. Унда XX асрнинг 20–30-йиллари оралиғида Добролёт жамияти томонидан фуқаролик авиацияси тизимида амалга оширилган ислоҳотлар манбалар асосида ўрганилди. Кўриб чиқилган давр оралиғида Добролёт жамияти томонидан маҳаллий ва халқаро ҳаво қатновлари йўлга қўйилганлиги аниқланди. “Добролёт” ҳаво транспорти орқали йўловчи ва юк ташиб ҳажми, ҳаво қатновлар йўналишлари ҳамда узунлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Калип сўзлар:

самолёт,
ҳаво йўли,
аэропорт,
Добролёт,
“Укрвоздухпут”,
“Закавия”,
“Junkers F-13”,
маҳаллий қатновлар,
халқаро йўналишлар.

¹ Senior lecturer, Department of Archival Studies, Namangan State University. E-mail: a.toxtabayev@mail.ru.

История «Добролёта»

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

самолет,
воздушный путь,
аэропорт,
Добролёт,
«Укрвоздухпуть»,
«Закавиа»,
«Юнкерс Ф-13»,
местные маршруты,
международные
маршруты

Статья посвящена истории создания первой в РСФСР частной авиационной организации – Общества «Добролёт». В ней на основе источников изучены реформы, проведенные обществом «Добролёт» в системе гражданской авиации в период с 20-х по 30-е годы XX века. Установлено, что в рассматриваемый период авиакомпания «Добролёт» запускала внутренние и международные рейсы. Приведена информация об объеме пассажирских и грузовых перевозок авиатранспортом «Добролёт», направлениях и протяженности авиаперевозок.

Транспорт тизимида XIX асрнинг охирида автотранспорт, XX асрнинг 20-йилларида темир йўл ва дарё транспорти, XX асрнинг 1-чорагида авиатранспорт вужудга келди. 1917 йилдан дастлабки фаолиятини бошлаган ҳаво транспорти Совет Иттифоқида одамларни ва юкларни ташишнинг энг самарали усули сифатида эътироф этилди. Фуқаролар урушининг тугаши ва мамлакат иқтисодини тиклаш йилларида собиқ совет хукумати фуқаролик авиациясини ривожлантиришга, уни давлат иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун қўллашга кўпроқ эътибор қаратди. Ҳаво транспорти (авиация транспорти) – йўловчилар, почта ва юкларни ҳаво йўллари орқали ташишни амалга оширадиган транспорт тури ҳисобланади. Унинг афзалиги шундаки, юқори учиш тезлиги ҳисобига ташиш вақтини тежайди, ер ва сув йўллари бўлмаган манзиллар билан бевосита транспорт алоқасини йўлга қўйиш имкониятини яратди. Ҳаво транспорти тизимида асосий ишни самолёт ва вертолётлар бажаради. Самолёт (рус. сам – ўзим ва летать – учмоқ), аэроплан – ҳаводан оғир учиш аппарати бўлиб, у йўловчилар ўринлари сонига қараб, бир, икки ва кўп ўринли; қўлланилишига қараб, ҳарбий ва фуқаро, санитария, юқ ва маҳсус турларга бўлинади. Куруқликдан, сувдан (гидросамолёт), шунингдек, ҳам сувдан, ҳам қуруқликдан кўтарила оладиган (самолёт-амфибия, яъни ғилдиракли шасси билан жиҳозланган гидросамолёт) самолёт турлари мавжуд [4. Б. 436]. Ҳаво йўли (авиатрасса) – самолётлар ва вертолётлар муентазам равишда қатнайдиган ҳаво йўли бўлиб, унда аэродромлар, йўл чироқлари, таниш белгилари, авиация маёқлари жойлашган. Аэропорт (аэро... ва порт) – йўловчилар, юқ, почтани ҳаво транспорти воситаларида муентазам ташишни таъминловчи бинолар, иншоатлар (аэродром билан бирга) ва жиҳозлар мажмуи. У халқаро ва маҳаллий аэропортга бўлинади. Аэропорт таркибига аэровокзал, почта бўлимлари, юқ ортиш-тушириш ишларини механизациялаш жиҳозлари бўлган омбор, устахоналар, ангар, моддий-техника жиҳозлари, ёнилғи қуиши воситалари ва маҳсус омборлар киради [1].

“Добролёт” – кўнгилли ҳаво флоти акциядорлик жамияти 1923 йил 17 марта РСФСРда мамлакат ҳаво флотининг ривожланишига кўмаклашиш учун ташкил этилган. Устав капитали 2 миллион рублни ташкил этган бўлиб, жамият, ўз Низомида таъкидланганидек, “СССР таркибида йўловчилар, почта ва юкларни ташиш учун ҳаво линияларини ташкил этиш, маҳаллий авиация саноати асосида

ҳаво флотидан фойдаланиш ва бошқа тармоқларни ишлаб чиқариш орқали фуқаролик ҳаво флотини ривожлантириш” эди. У нафақат РСФСРни, балки Марказий Осиё республикалари ҳудудини ҳам ўз таъсири билан қамраб олди.

1923 йилда биринчи маҳаллий Москва – Нижний Новгород – Москва ҳаво йўли очилди. “Промбанк” деб номланган самолётда мазкур йўналиши бўйича биринчи парвозни учувчи Й. Моисеев томонидан амалга оширилган.

1930 йил 29 октябрда Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши хузуридаги Фуқаролик Ҳаво Флотининг Бутуниттифоқ бирлашмаси тузилди. “Добролет”, “Укрвоздухпут” жамияти (1923 йил 1 июнда Харков шаҳрида ташкил этилган), “Закавия” жамияти (1923 йил 10 майда Тифлис шаҳрида ташкил этилган) жамиятлари асосида янги уюшма – “СССР Добролёти” ташкил этилди. Ўтган етти йил мобайнида “Добролёт” самолётлари орқали 47 минг йўловчи ва 408 тонна юк ташилди. Ҳаво йўлининг умумий узунлиги 26 минг километрни ташкил этди [4].

Шунингдек, 20-йилларнинг охирида компания лицензия асосида “Junkers F-13” юк ва йўловчи самолётларини йиғиш билан шуғулланган [2]. Добролёт мамлакатнинг авиация қудратини яратувчиси сифатида стратегик рол ўйнади. Ва барчага тез орада СССРдаги энг йирик авиакомпания ва самолёт ишлаб чиқарувчиси бўладиган жамиятнинг яхши ишларидан пул ишлаш таклиф қилинди. Добролёт акцияларини ҳар қандай совет фуқароси сотиб олиши мумкин эди. Шу билан бирга, қизиғи шундаки, 25 минг олтин рублга акциялар сотиб олган ҳар бир ташкилот ўз хоҳишига кўра ўз пулига яратилган самолётдан фойдаланиш ҳукуқига эга бўлган [3].

Совет авиаторлари томонидан ҳаво йўлларининг ривожланиши қийин шароитларда кечди. Дастребки йилларда навигация ва алоқа воситалари, парвозларни метеорологик таъминлаш воситалари йўқ эди. Ўша даврнинг энг жиддий муаммоларидан бири бу маҳаллий ҳаво самолётларининг камлиги, парвозлар ва техник мутахассисларнинг етишмаслиги эди. Бироқ, бу қийинчиликларга қарамай, авиациянинг транспорт воситаси сифатидаги аҳамияти йилдан-йилга ортиб борди. РСФСР самолётлари паркида бир донадан “Юнкерс”, “Фоккер” ва “Дорнье” хорижий компанияларининг самолётларидан бўлган. Маҳаллий ички йўналишларда АК-1, У-2, К-5 самолётларидан фойдаланилди. 1926 йилдан Мўғулистан Халқ Республикасига, 1927 йилда Ленинград-Берлин ва Тошкент-Қобул халқаро йўналишлари очилди. Ўттизинчи йилларнинг ўрталарига келиб, мамлакат Farb самолётларини сотиб олишдан бутунлай воз кечиб, ўз самолётларидан фойдаланишга ўтди. Кейинчалик ривожланган тармоққа айланган олий ва ўрта авиация ўқув юртлари пайдо бўлди.

Кейинчалик, “Добролет” ташкилоти ўз фаолиятини Ўрта Осиё ҳудудида ҳам ташкил этди. 1932 йилга келиб, Добролёт “Аэрофлот” номи билан танилган Бош Фуқаролик Ҳаво флоти дирекциясига айлантирилди [5]. “Аэрофлот” ташкилотига учта асосий: ҳаво транспорти тизимини бошқариш; ҳаводан суратга олиш, ўрмонда ўт ўчириш ва қишлоқ хўжалигида пуркаш каби турли хил хизматларни кўрсатиш; жамоат учун таълим, кўнгил очиш ва спорт тадбирларини тарғиб қилиш вазифа қўйилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Azamjon Sh. Tukhtabaev. Air transport: Structure, activity, shape. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. 2020, Volume: 10, Issue: 6 – PP. 288–291. Article DOI: 10.5958/2249-7137.2020.00590.X.
2. Azamjon Sh. Tukhtabaev. Issues of studying the History of Aviatransport in Uzbekistan. Theoretical & Applied Science. 2020. Vol. 85 Issue 05, – PP. 844–846. DOI: 10.15863/TAS.2020.05.85.155.
3. Azamjon Sh. Tukhtabaev. The history of the formation of air transport in Uzbekistan (1924–1950). Look to the past. 2020, Special issue 2, – PP. 274–282.
4. Авиация: Энциклопедия / главный редактор Свищёв Г.П. – М.: Большая Российская Энциклопедия, 1994.
5. Орлов Б. Добрые крылья Добролёта // Комсомольская правда. 05.02.2013.
6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.